

Сийрат дарслари (85-дарс). Кечасида бир соат бордир



13:30 / 15.05.2020 5554

361. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини эшитдим: **«Кечасида бир соат бордир. Муслмон одам Аллоҳдан дунё ва охират ишидан яхшилик сўраган ҳолида мувофиқ келиб қолса, албатта, мазкур нарсани унга беради. Ҳар кеча шундай бўлади».**

Муслим ривоят қилган.

362. Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким бир кеча-кундузда ўн икки ракат намоз ўқиса, улар туфайли унга жаннатда уй бино**

қилинади», деганларини эшитдим».

Умму Ҳабиба: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим», деди.

Анбаса: «Умму Ҳабибадан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим», деди.

Амр ибн Авс: «Анбасадан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим», деди.

Нуъмон ибн Солим: «Амр ибн Авсдан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим», деди».

Муслим ривоят қилган.

(Бу ҳадисда зикр қилинган ўн икки ракат намоз ҳар куни мунтазам ўқилиши тавсия қилинган нафл намозлардир: ишроқ, зуҳо, завол суннати, аввабин ва таҳажжуд. – Тарж.)

363. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кишининг ўз уйидаги фарз намозидан бошқа намози менинг ушбу масжидимдаги намозидан афзалдир»,** дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан